

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

*Кўлёзма ҳуқуқида
УДК 15.019*

ХОЛНАЗАРОВА МАТЛЮБА ХОЛБЎТАЕВНА

НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИДА ПСИХОЛОГИК ҚАРАШЛАР

**19.00.01 - Умумий психология, шахс психологияси ва
психология тарихи**

**Психология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун
тақдим этилган диссертация**

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

ТОШКЕНТ-2012

Тадқиқот Ўзбекистон Миллий университетининг “Психология” кафедрасида бажарилган

Илмий раҳбар: психология фанлари доктори, профессор
Ғозиев Эргаш Ғозиевич

Расмий оппонентлар: фалсафа фанлари доктори, профессор
Наврўзова Гулчехра Негматуллаевна

психология фанлари номзоди, доцент
Алимов Хўжагелди Мустофоевич

Ётакчи ташкилот: Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертация ҳимояси 2012 йил “24 “ апрель соат 14-00 да Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги психология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича К.067.18.04 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгаш йиғилишида ўтказилади. Манзил: 100070, Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (99871) 254-92-02, Факс (99871) 215-54-18.

Диссертация билан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин.

Автореферат 2012 йил “ ____ “ _____ да тарқатилди.

**Бирлашган ихтисослашган кенгаш илмий
котиби психология фанлари номзоди**

Р.Н.Хикматуллаева

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг қатор чиқишларида, асарларида тарихий материалларни, илмий таълимотларни ҳозирги давр нуқтаи назаридан таҳлил ва талқин қилиш кераклиги таъкидланади. Шўро мафкураси тазйқи остида тарихий омилларни бузиб кўрсатиш, баҳолашда эса холисликдан узоқлашиш оғир салбий оқибатларга олиб келди. Мавжуд нарса ва ходисаларга оқилона ёндашиш, уларни одилона баҳолаш мустақиллик шарофати билан рўёбга чиқди. И.А.Каримовнинг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастур”и муқаддимасида билдирилган фикр ва ғоялари ҳақиқатни рўёбга чиқаришда дастуруламал ролини ўйнайди. Уларнинг маърузалари моҳиятидан келиб чиқилса, баркамол авлод келажагимиз пойдевори эканлиги тўғрисида башоратбоп, теран мулоҳаза ётганлигига иқрор бўламиз. Шунингдек, ундан тарихий ҳақиқатсиз келажак йўқ эканлиги тўғрисидаги хулосага келамиз.

Маънавий қадриятларимиз ривожига алоҳида эътибор берилаётганлигининг сабабини И.А.Каримов қуйидагича изоҳлаб беради: “Биз мусулмон дини ҳақида гапирганда, аввало, Аллоҳ ва Унинг Расулини, ўзимизга руҳан яқин бўлган улуғ алломаларимиз, улуғ имомларимизни тасаввур қиламиз. Мана шу кутлуғ заминимизда туғилиб вояга етган, муборак номларини бутун ислом дунёси чексиз ҳурмат билан тилга оладиган Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Абдулҳолик Ғиждувоний, Замахшарий каби пиру комилларимизни назарда тутамиз. Ким бу ҳақиқатни инкор эта олади?”¹

Юқоридаги асарда таъкидланганидек, миллий қадриятлар, урф-одатлар, миллий ҳис-туйғу, характер ва маънавий меросни тиклаш, улуғ мутафаккирларимизнинг таълимотларини тадқиқ этиш, психологик нуқтаи назардан таҳлил қилиш, шу асосда туғилган фикр ва мулоҳазаларни фуқароларимиз, аввало, ёшлар онгига сингдириш лозим. Олий таълим тизимини такомиллаштиришда дунёвий билимлар билан чекланиб қолмасдан, маънавият оламининг муқаддас таълимотларидан, тасаввуф на-мояндалари асарларидан кенг қўламда фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу ўринда тасаввуф таълимотининг йирик намояндаси бўлмиш аллома хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг тариқатлари фан оламида бекиёс аҳамият касб этади.

Нақшбандия таълимотининг мамлакатимиз учун қандай аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиш учун қуйидагиларга мурожаат қиламиз:

1. 1992 йил 4 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллик юбилейини ўтказиш” тўғрисидаги Фармони эълон қилинди.

¹ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.: Ўзбекистон, 1999, 7-том, Б. 349-354.

2. 1993 йил 15 сентябрь куни аллома таваллудининг 675 йиллигига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтди. Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси ташкил этилиши” тўғрисидаги қарорида Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг устоз-шогирдларининг илмий-назарий мероси, ибратли ҳаётини ҳар томонлама ўрганиш, уларнинг асарларида тарғиб этилган инсонпарварлик, ҳалоллик, поклик ҳақидаги қадриятларни халқимизга етказиш уқтирилади.

3. Шу муносабат билан 2009 йил январь ойидан бошлаб Баҳоуддин Нақшбанд мажмуасида “Нақшбандия” илмий-ирфоний, адабий-маърифий журнали ҳам нашр этила бошлади.

Шу боис, Президентимиз ташаббуси билан олиму уламоларга, тасаввуф аҳлига дахлдор шайхлар юбилейининг ўтказилиши анъанага айланиб бормоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

1. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг шогирдлари томонидан ўрганилганлиги ва юксак даражада баҳоланганлиги.

2. Тасаввуф тариқатининг кейинги даврдаги намояндалари томонидан Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ижодининг баҳоланиши.

3. Ўрта асрларда мамлакатимизнинг олимлари, ижодкорлари асарларида нақшбандия таълимотига нисбатан муносабатларнинг тўла ифодаланиши.

4. Хориж мамлакатлари олимлари ва ижодкорларининг нақшбандия таълимотини тадқиқ этишга нисбатан қизиқишларининг кучайиши.

5. Тасаввуф сирлари тўғрисида турли даврларда яшаган буюк алломаларнинг қарашлари, таҳлиллари ва талқинларининг мавжудлиги.

6. Диний маънавият ва қадриятларга мафкуравий ёндашув ва унинг оқибатларини тушунишда нақшбандия таълимоти ролининг мавжудлиги.

7. Адабиётшунослар, тарихшунослар, педагоглар, социологлар, файласуфлар, дин арбобларининг ижодий фаолиятларида тасаввуф ва нақшбандия таълимотининг юксак ўрин эгаллаганлиги.

8. Психологик тадқиқотларнинг бу йўналишда деярли олиб борилмаганлиги.

Бу борада мамлакатимиз олимларидан Н.Комилов, И.Ҳаққулов, Г.Наврўзова, К.Қиличева, У.Қосимов ва бошқаларнинг тадқиқот ишларини айтиб ўтиш мумкин. Аммо бу йўналишда тадқиқот олиб борилмаганлиги биз томондан тайёрланган “Нақшбандия тариқатида психологик қарашлар” мавзусини танлашга имкон беради. Бу билан шахсга дахлдор комиллик ғояларини оламини билишнинг (ғайб илми нуқтаи назаридан) инсон олдида кўядиган талабларини умумпсихологик хусусият касб этувчи, унинг эзгу нияти рўёбга чиқишининг негизи эканлигини таъкидламоқчимиз. Шунингдек, Баҳоуддин Нақшбанд тариқати асосида (қоидалари, ибратлари) инсон имкониятларининг тарихий, ижтимоий, психологик маълумотларини таҳлил қилган ва умумлаштирган ҳолда (Э.Ғозиев ёндашуви) таркибларини

синаб кўриш орқали комил инсон, оламни кенг билишга оид (шахс ички психологик имкониятларига асосланиб) муаммоларга нисбатан ўзига хос психологик муносабатни амалга оширишдир.

Тадқиқотнинг мақсади: хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг нақшбандия тариқати ва тасаввуф таълимотига асосланган ҳолда, унинг моҳиятини замондошларда синаб кўриш ва комил инсон фазилатларини шакллантиришдан иборатдир.

Тадқиқот вазифалари:

Тадқиқот объекти: Баҳоуддин Нақшбанд шахсияти, унинг ижоди ҳамда турли гуруҳларга тегишли тажрибаларда иштирок этган инсонлар.

Тадқиқот предмети: хожа Баҳоуддин Нақшбанд (нақшбандия) тариқатининг ўзига хос талаблари, хатти-ҳаракатга доир қоидаларининг инсон руҳиятида шаклланиш механизмлари, инсоннинг билиш имкониятлари ҳамда шахсда комиллик таркибларини (унсурларини) таркиб топтириш жараёни.

Тадқиқотнинг фаразлари:

1. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд тариқатларидан фойдаланиб, ҳозирги замон кишиларининг руҳиятига таъсир этиш орқали комиллик хусусиятларини уйғотиш, ўз-ўзини намоён этиш, оламни олий билишни таъминлайдиган умумпсихологик шароитлар яратиш мумкин.

2. Инсон руҳиятидаги ҳар хил хусусиятларни билишга оид ички маънавий-психологик имкониятлар, ўзини-ўзи рўёбга чиқариш ғоялари, ички бошқариш психологик механизмлари, ҳаракатга ундовчи фаоллик (мотивация ва мотив) функцияларини бажариш эҳтимоли ҳар бир соғлом кишида мавжуд бўлиши мумкин.

3. Комил инсон концепциясининг мукамаллиги ҳозирги замон кишиларининг ижтимоийлашуви даражасига, интеллектуал кўрсаткичига, маънавий камолотига боғлиқ. Уларнинг ўзаро уйғунлашуви иерархик хусусият касб этади ва, натижада, босқичма-босқич шахс яхлитлигининг шаклланиши кутилади.

Тадқиқотнинг методологик асосларини умумий психология, ижтимоий психология қонуниятлари, қонунлари, механизмлари, онг билан фаолият бирлиги, детерминизм, системали ёндашув принциплари, илмий назариялар ва йўналишлар, комил инсонлик тўғрисидаги фалсафий концепциялар ва ҳоказо; буюк аждодларимизнинг тасаввуфга оид таълимотлари, тариқатлари (қоидалари, ибратлари) шахслараро муносабатларнинг маромига, меъёрига оид назариялари, миллий этнопсихологик қиёфа, таъб, миллий характер, миллий ҳис-туйғу, этник стереотиплар, ижтимоий перцепциялар, ижтимоий тасаввурлар, қадриятлар, анъаналар; Президентимиз И.А.Каримовнинг асарларидаги ғоялар; ҳозирги замон ватандош психологларимиз томонидан яратилган концепциялар ташкил этади ва изланишларимизга илмий-услубий негиз бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот методлари:

1. Комил инсоннинг хулқ-атвор хусусиятлари, интеллектуал даражаси, билиш имконияти, жисмоний етуклигининг ўзига хослиги ва яхлитлигини касб-хунар коллежи ўқувчилари, олий мактаб талабаларида кузатиш.

2. Комил инсоннинг умумпсихологик қиёфаси, хулқ-атвори, фаолияти, муомаласи, шахслараро муносабатлардаги ҳамкорлиги юзасидан синалувчилар билан суҳбат уюштириш.

3. Инсон камолоти даражаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари юзасидан синалувчиларни эксперт томонидан қиёсий баҳолаш. Нақшбандия таълимотининг аҳамиятини респондентларда аниқлаш учун сўровнома ишлаб чиқиш.

4. Етукликка интилувчи шахснинг умумпсихологик қиёфасини аниқловчи тестларни амалиётга татбиқ этиш.

5. Инсоннинг жисмоний ва ақлий фаолияти маҳсулини таҳлил қилиш, контент таҳлил методидан фойдаланиш ҳамда шахслараро муносабатларнинг қиёсий тавсифини амалга ошириш.

Ишнинг илмий янгилиги: 1) комил инсон ёки шахс тузилишининг таркибларига, унинг кўрсаткичларига дахлдор янги назарий мушоҳадаларнинг умумлаштирилганлиги; 2) шахс ноёб хусусиятларининг тавсифи, унинг ички имкониятларини рўёбга чиқариш воситалари, феноменал умумпсихологик ҳодисалар моҳияти, уларни рўёбга чиқаришнинг объектив ва субъектив умумпсихологик омиллари, ўзига хослиги тавсифланганлиги, инсонга таъсир этувчи механизмлар ва ҳаракатлантирувчи куч юзасидан талқинлар ғояси очиб берилганлиги; 3) Баҳоуддин Нақшбанднинг ижоди, фаолияти, тариқатлари, қоидалари, таълимоти ва уларнинг моҳияти умумпсихологик нуқтаи назардан, тарихийлик, монизм тамойиллари бўйича биринчи марта давлат тилида таҳлил ва талқин қилинганлиги; 4) Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг ҳозирги замонда ёшларни камол топтиришда қўллаш имкониятининг мавжудлиги ва татбиқий йўл-йўриқлари тушунтирилганлиги; 5) комил инсон ва унинг ўзига хос билиш имкониятлари тўғрисида умумпсихологик мулоҳазаларнинг ёритилганлиги; 6) комил инсон шахси босқичма-босқич (иерархик) шаклланиб бориши ва шаклланиш жараёни ўзига хос хусусиятга эга эканлиги ҳақидаги қонуниятлар далилланганлиги; 7) комил инсонга тааллуқли мумтоз назарияларнинг ҳозирги замон психологик талқинлар билан қиёсланганлиги ва бошқалар.

Тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти: умумий психология, психология тарихи соҳаларининг шахс психологияси, миллий психология, шахслараро муносабатлар, ижтимоий мотивлар, қадриятлар (миллий ва умумбашарий), ўзини-ўзи намоён этиш ва рўёбга чиқариш категорияларини оригинал материаллар, умумлашмалар билан бойитиши, уларнинг туб умумпсихологик моҳияти, ижтимоий-психологик (объектив ва субъектив)

омиллари, муваффақиятни таъминловчи механизми, ўзгаришни ҳаракатлантирувчи кучи кабиларининг янги қирралари ва феноменларини очиш, ўзига хослигини, умумийлигини, уйғунлигини, узвийлигини таъминлашни изоҳлаш, уларнинг психологик негизларини, илмий манбаларини тавсифлаш, буюк аجدодларимизнинг таълимоти ва тариқатларини ҳамда комил инсоннинг умумпсихологик қиёфасига оид ёндашувни соҳанинг методологияси тадқиқот предмети таркибига сингдириш.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти: тасаввуф таълимоти, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд тариқатининг татбиқий жиҳатлари очилганлиги, назарий мулоҳазаларнинг ихчамлаштирилганлиги, унинг амалий жиҳатлари ёритилганлиги; маъруза, амалий машғулотлар ўтказишда диссертация материалларидан фойдаланиш имкониятининг борлиги; дастур, қўлланма тузишда қўллаш имкониятининг мавжудлиги; фойдаланилган методикалар билан амалий психологларни таништириш мумкинлиги ва ҳоказо.

Тадқиқот ишининг базаси этиб Ўзбекистон миллий университети, Гулистон давлат университети, Гулистон давлат университети қошидаги академик лицей ҳамда умумий ўрта таълим мактаблари олинди.

Илмий тадқиқот босқичлари:

Биринчи босқич. Изланиш ўтказилаётган мавзуга оид назарий ва амалий манбаларни ўрганиш.

Иккинчи босқич. Тадқиқот ўтказиш учун тажриба методлари танлаш ва уларни саралаш ва синаб кўриш, янги методикаларни ишлаб чиқиш (модификациялаш).

Учинчи босқич. Умумлаштирилган назарий материаллар ва эмпирик натижаларни муайян тартибда жойлаштириш ҳамда яхлит диссертацияни шакллантириш, хулосалар, тавсиялар ишлаб чиқиш.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

1. Баҳоуддин Нақшбанднинг уч қисмдан иборат тариқати, қондаси комилликни рўёбга чиқаришнинг босқичлари сифатида намоён бўлиб, бир тариқат фазилатлари иккинчи тариқат хислатларини тақозо қилганлиги туфайли иерархик тузилишга эга. Бир босқичда эгалланган сифатлар ва уларнинг механизмлари кишини комиллик сари етаклайди, унинг ички захира ва имкониятларини аста-секин, изчиллик билан очади, хусусийдан умумийга, “Мен”дан “Биз”га ўсиб ўтиши жараёнида “Ўзликни йўқотиш” “Бизлик”ка ўсиб ўтиши эвазига комиллик босқичини эгаллаш мумкин эканлиги.

2. Комилликда ижтимоий, ижтимоий-психологик, умумпсихологик шарт-шароит, муҳит, фавқуллода вазиятдан ташқарида ўзининг ички имкониятларини намоён этиш, рўёбга чиқариш, ўзини-ўзи назорат қилиш ва бошқариш, ўзини-ўзи такомиллаштириш, ўзига-ўзи буйруқ ва тасалли бериш, ўзини-ўзи баҳолаш фазилатларини машқ қилдириш, тренинг орқали узлуксиз

ҳаракатлар, интилишлар, саъй-ҳаракатлар тизимига айланиши мумкин эканлиги.

3. Комил инсон шаклланишининг муайян ижтимоий-психологик ҳамда умумпсихологик асослари мажуд бўлиб, муҳим ташқи шарт-шароитлардан ташқари ижодий имкониятлар, ижтимоий фаоллик, ижтимоий установакалар, миллий ва умуминсоний қадриятлар бошқарувчилик вазифасини бажарган тақдирдагина, шахс ижтимоий, ижтимоий-психологик актни ўзиникидан устун қўйган давридагина юксак камолот босқичи қафолатланади.

4. Комилликнинг генезиси муртаклик давридан бошланганлиги туфайли биологик, ижтимоий, ижтимоий-психологик, умумпсихологик, ҳам объектив, ҳам субъектив шарт-шароитлар билан таъминланиши “Она-бола” муносабати сензитив хусусиятини кучайтирса, “Она – оила аъзолари” шахслараро муносабатлари ҳамкорлик, ҳамдардлик (эмпатия, симпатия, аттракция, интеракция), антиципацияга асосланса, у ҳолда, комилликка пухта негиз ҳозирлаши мумкин.

Натижаларнинг жорий этилганлиги.

Иш абробацеяси.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топиб, умумий ҳажми 150 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида танланган мавзунинг долзарблиги, тадқиқот мавзуси борасидаги муаммоларнинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, назарий ва услубий асослари, илмий янгиликлари ҳамда назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Комил инсон категориясининг назарий ва методологик муаммолари**» деб номланиб, биринчи қисми «**Улуғ аждодларимиз таълимотида комил инсон масаласининг қўйилиши**» деб аталади ва унда тасаввуф таълимотининг моҳияти, асосий тариқатлар ҳақида батафсил маълумот берилган.

Шайх Азизиддин Насафий, Ҳаким ат-Термизий, имом Абу Ҳомид Ғаззолий, Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий каби кўплаб Шарқнинг буюк алломалари, олимларининг комил инсон масаласига тааллуқли дурдона фикрлари келтириб ўтилган.

Диссертация биринчи бобининг иккинчи қисми «**Етук инсон тўғрисида ҳозирги замон назариялари**» деб номланган. Етук инсон муаммоси билан XX асрда инсон-жамиат-табиат-турмуш муносабатлари нуқтаи назаридан шуғулланган жаҳон психология фанининг йирик намояндалари сирасига Ш.Бюлер, А.Маслоу, К.Роджерс, Р.Оллпорт, В.Джеймс, А.Гезелл, Л.Термен, Ж.Пиаже, А.Валлон, С.Л.Рубинштейн,

Л.С.Виготский, А.Н.Леонтьев, Б.Г.Ананьев ва бошқаларни киритиш мумкин. Психология фанида инсоннинг камолоти тўғрисида бир қатор назариялар яратилган бўлса-да, лекин уларнинг барчасида ҳам мукаммалик етишмайди. Б.Г.Ананьевнинг мулоҳазасига кўра, инсоннинг жамият ишлаб чиқаришининг етакчи, асосий таркиби; билиш, коммуникация, бошқарув жараёнининг субъекти; тарбиялаш ва тарбияланиш предмети сифатида тадқиқ этилиши муҳим аҳамиятга эга. С.Л.Рубинштейннинг таълимотича, инсоннинг шахс сифатида характерланишининг муҳим психологик дақиқаси - унинг динамик хусусиятлари ҳисобланиб, жамиятдаги мавқеи иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, мафкуравий негизга боғлиқ, яъни унинг жамиятда эгаллаган ўрни нуфузи орқали ифодаланади. Мавқенинг негизида эса ҳамиша узлуксиз равишда ўзаро алоқалар тизими ётади. Шахсга ёндашувда Л.С.Виготский ўзига хос илмий-психологик йўл тутди. Унинг мулоҳазасига кўра, инсон фаолияти субъекти сифатидаги асосий тавсифлар қаторига унинг бу соҳадаги тараққиётнинг маҳсули - онги, фаолияти киради. Инсон амалий фаолиятнинг субъекти тарзида унинг шахсий фазилатлари ва хислатларини тавсифлабгина қолмай, балки меҳнатнинг техник воситалари ва технологияси - кучайтирувчи, тезлаштирувчи ва яратувчи функциялар сифатида юзага келади.

Диссертация биринчи бобининг учинчи қисми **«Ғиждувоний таълимоти моҳиятининг психологик талқини»** деб номланган бўлиб, унда Абдулхолиқ Ғиждувоний билан Баҳоуддин Нақшбанд пир устозларнинг сўфийлик тариқати қоидаларга амал қилиш натижасида, инсон ўзини-ўзи фаоллаштириш туфайли барча билиш жараёнларини (сезги, идрок, хотира, тафаккур, ҳаёл, диққат кабиларни) жадаллаштириш имконига эга бўлади. Бундай вазият таъсирида шахснинг ички имконияти (потенцияси), фавқулодий жиҳати очилади. “Мен”лик таркиблари (“ўтмишдаги мен”, “ҳозирги мен”, “идеал мен”) тўғри шаклланиб, ўзини-ўзи англаш (ҳатто, рефлексия) такомиллашади. Инсонда сергакликни барқарорлаштиришни кўзда тутди. Унда айтилишича, худди шундай машқланиш орқали ички ва ташқи ҳалолликка эришиб, ҳамиша Аллоҳ билан юриш, Худога ибодат қилиш мобайнида ҳамда уни зикр қилишнинг ҳар дамида ҳам нафасини ғофилликдан озод қилади.

Умумпсихологик нуқтаи назардан сўфийлик тариқати қоидаларининг амалиёти маълум бир мақсадга эришишда инсон ўзини-ўзи ижтимоий ва шахсий фаолиятини кучли ҳамда онгли назорат остига олиши ва барқарор иродавий зўр беришлар орқали ҳалол саъй-ҳаракатлар қилишга ўзини ўргатиши ва уни узлуксиз тарзда такрорлаш, машқ қилиш натижасида кўникма, малака ҳосил этиб, одат тусига айлантириш билан характерини, хулқ-одобини комил қилиб шакллантиришга интилиши лозим.

Диссертация биринчи бобининг тўртинчи қисми **«Қубровия таълимотининг психологик таҳлили»** деб номланди. Шайх Нажмиддин Кубро инсоннинг ички психологик фаоллигини уйғотиш ва уни

шакллантиришнинг ўзига хос талаби асосида ўз усулини ишлаб чиққан. Нажмиддин Кубронинг ранглар ва шакллар билан боғлиқ руҳий-психологик модификациянинг тавсифлари кейинги сўфийлар томонидан ривожлантирилган. Шунини таъкидлаш жоизки, юқорида келтирилган шарқ халқлари қадриятларида ўрганилган ва яратилган инсон ички оламининг фаоллиги заҳираларидан фойдаланиш ва уни бойитиш усуллари инсонни психологик жиҳатдан ўзини-ўзи бошқаришга эришишни таъминлашга қаратилган бўлиб, бу усуллар моддийлик нуқтаи назаридан психологияда эришилган замонавий билимларга таяниб, инсон миясининг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда маълум даражада таҳлил қилиниб келинмоқда ва уларнинг нақадар тўғрилиги амалиётда исботланмоқда.

Биринчи бобнинг **«Нақшбандия таълимотининг ўрганилиши ва унинг амалиётга татбиқ этилиши»** деб номланган бешинчи қисмида нақшбандия тариқати масаласига доир диний-фалсафий амалиётнинг баъзи томонларига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, уларда алломаларнинг тасаввуфий-фалсафий қарашлари эътироф этилган.

Бу соҳада қилинган тадқиқотлар орасида Н.Комиловнинг “Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи” ҳамда “Тасаввуф, тавҳид асрори”, “Тасаввуф” номли асарлари, шарқшунос Маҳмуд Ҳасанийнинг “Мақомати Хожа Баҳоуддин Нақшбанд”, шарқшунос олим Ориф Усмоннинг “Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти ҳақида”ги асари, Иззат Султоннинг “Баҳоуддин Нақшбанд адабиёти” ва Ҳамидхон Исломийнинг “Ипор ҳиди ила туғилган Хожа Баҳоуддин Нақшбанд” рисолаларини, Ё.Исҳоқовнинг “Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти” номли рисоласини ҳамда Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг “Тасаввуф ҳақида тасаввур” номли асарларини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Чет эл олимларидан Идрис Шоҳ “Нақшбандия тариқати” ва инглиз Дж.С.Тримингэм “Исломда сўфийлик” китобларида нақшбандия тариқати тўғрисида, яъни унинг вужудга келиши, ривожланиши, тушунчалари, хусусиятларига оид илмий манбалар келтирилган, илмий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Турк олимларидан Маҳмуд Асъад Жўшон ва Усмон Турон тасаввуф илмига катта ҳисса қўшган алломалар сарасига киради.

Насафий (Е.Е.Березиков) нинг “Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд” рисоласи ҳозирги даврда нашр этилаётган қатор диний ва мистик адабиётлардан ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Нақшбандия таълимотининг вужудга келиши ва ривожланиши”** деб номланиб, тўрт қисмдан иборат. Мазкур бобда Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти, диний-ирфоний мероси, Хожагон-Нақшбандия тариқатининг комил инсонни таркиб топтиришга, айниқса шахснинг ўзини-ўзи англашида, ўзининг намоён этишида қўллаш мумкин бўлган ёндашувимиз амалиётда ўз ўрнини топади, деган фараз илгари сурилган.

Иккинчи бобнинг биринчи қисми **«Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг таржимаи ҳоли ва назарияси»** деб номланган бўлиб, унда Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг таржимаи ҳоли, ҳаёти ва фаолияти тўғрисида мукаммал маълумот берилган.

Нақшбандия таълимоти ўзининг ихчам ифодасини (тезисини) “Дил баёру даст бакор” ҳикматида мужассамлаштирган. Хожа Муҳаммад Порсо Баҳоуддин Нақшбанднинг барча ваъзларини тўплаб, “Рисолаи қудсия” китобини тақдим этган. Жаҳрийлик тариқати кўпроқ зикр (жаҳр) мажлисларини қуриб (амалга ошириб, ташкил қилиб), ошкора ва тантанали ибодатни бош мақсад сифатида қабул қилган бўлса, нақшбандийликнинг асосий йўналиши ботиний (ички) ибодатга қаратилган эди. Бир неча аср аввалроқ Юсуф Ҳамадоний ва унинг халфаларидан бири Абдулҳолиқ Ғиждувонийлар кашф этган саккизта манзил (калимати қудсия)га Хожа Баҳоуддин яна учта манзил қўшган.

Иккинчи бобнинг **«Нақшбандия таълимоти ривожланиш босқичларининг психологик талқини»** деб номланган иккинчи қисмида Баҳоуддин Нақшбанд тасаввуф таълимотини мукаммал эгаллаган, янги бир нақшбандия йўналишининг асосчиси, катта муршидлар гуруҳининг сардори ҳам назарий, ҳам амалий билимлар йўлбошчиси, комил инсон мақомларига эришган, юксак салоҳият соҳиби, каромат ва башорат эгаси, зоҳирий ҳамда ботиний илм етакчиси, буюк шайх эканлиги ҳақида маълумот берилган.

Нақшбандия таълимоти (тариқати) муайян ижтимоий-тарихий ривожланиш тарихига эга бўлиб, узвийлик ва узлуксиз хусусиятлари билан бошқа йўналишлардан кескин тафовутланиб туради. Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний ўзининг “Мақомат” асарида баён қилишича, устози Ҳамадоний хожагон тариқатига оид, амал қилиниши зарур бўлган тўртта қоидадан тақдим этади ва ундан фойдаланиш йўл-йўриқларини уқтиради.

Бу ўринда шундай мулоҳазаларни таҳлил қилиш жоизки, Абдулҳолиқ Ғиждувонийнинг таълимоти Нақшбандия таълимотининг шаклланишига катта таъсир кўрсатган. Бутун ижоди ва фаолияти давомида Баҳоуддин Нақшбанд Абдулҳолиқ Ғиждувонийнинг айтганларига тўлиқ амал қилиб яшади. Шу билан бирга Юсуф Ҳамадоний ва Абдулҳолиқ Ғиждувоний ҳазратлари томонидан ижод қилинган саккизта қоидага (тариқатга, ибратга) қуйидаги учта қоидадан Хожа Баҳоуддин Нақшбанд қўшади:

1. Вуқуфи замоний (вақтдан воқиф бўлиш). Хожа Баҳоуддин Нақшбанд бунинг маъносини қуйидагича тушунтиради. “Вуқуфи замоний шундан иборатки, банда ўз аҳволдан доимо воқиф бўлиши, ҳар бир лаҳзада ҳолатига назар солиши, шукрга лойиқми ёки узрга лойиқми, шундан огоҳ бўлиши лозим”.

2. Вуқуфи ададий (маъноси - санокдан воқиф бўлиш), яъни зикр калимасини тоқ айтишга риоя қилишни англатади. Унинг моҳиятини тушунтириш, изоҳлаш учун Баҳоуддин Нақшбанд қуйидаги мулоҳазаларни билдиради: “Зикрда ададга (санокқа) риоя қилиш паришон ҳаёлларни қувиб,

бир ерга жамлашдир”, деб таъкидлайди хожагон. Масалан, зикр айтувчи зикр калимасини бир нафасда уч марта, беш марта, етти марта, то йигирма бир мартагача такрорлайди ва бунда тоқ сонларга риоя қилиши керак.

3. Вукуфий қалбий (қалбдан воқиф бўлиш). Али Сафийнинг “Рашаҳот” китобида бу калима қуйидагича тушунтирилади: “Бу жумла икки маънони ўз ичига олади. Бири шуки, зикр айтувчининг дили Ҳақ субҳонаху ва таолодан доимо огоҳ бўлади”. Аллома Хожа Аҳрорнинг таъбирича, вукуфи қалбийда дил Аллоҳдан шу даражада огоҳ бўлиши ва ҳозир туруши керакки, токи дилда Аллоҳдан ўзга ҳеч нарса қолмасин. Унинг иккинчи маъноси эса зикр айтувчи ўз қалбидан доимо огоҳ бўлиши керак. Бир парча гўшт ҳисобланган, санобар барги шаклидаги дилни зикр айтишга мажбур ва машғул қилмоқ даркор, деб буюради.

Диссертациянинг иккинчи боби, учинчи қисми **“Илмий тадқиқот феноменологияси”** деб номланиб, унда тадқиқотнинг ўзига хос хусусиятлари ва ноёб жабҳалари тўғрисида фикр билдирилган.

Тасаввуф таълимотида инсон камолотининг бир қатор йўл ва воситалари ҳақида берилган маълумотлардан ҳозирги кунда ҳам фойдаланиш имконияти мавжуд. Булар ҳақида фикр юритилганда мана бундай материаллар тариқатлар моҳиятига сингдирилганлиги тўғрисида тасаввурга эга бўлиш мумкин. Жумладан, ирсий – илоҳий томондан берилган сифатлар (ташқи – моддий, ички – ботиний), ўзини-ўзи камол топтириш (устози – муршиди ёрдами билан, муайян машқлар, синовлар орқали), борлиқни билиш жараёнлари (сезги, идрок, тасаввур, хотира, тафаккур, ҳаёлот, нутқ, диққат кабилар), ижтимоий шартланган шахс фазилатлари (муҳит, маънавият, дунёқараш, нафс ва бошқалар), ҳаётда орттирилган хусусиятлар (одат, хатти-ҳаракатлар). Биз Нақшбанд таълимотининг турмушда фойдаланиш мумкин бўлган томонларини эътироф этган ҳолда, айрим жабҳаларини такомиллаштириш, янгилаш (модернизациялаш) жоиз, деб ҳисоблаймиз. Бу билан биз мазкур тариқатларнинг татбиқийлигини кучайтиришга ҳаракат қиламиз.

Маслак шахсининг олдинги тажрибаларига асосланган ҳолда хулқ-атвор ва вазиятни баҳолашга нисбатан унинг (одамнинг) тушунган ҳолдаги, англанилган тайёргарлигини англатади. Инсоннинг ижтимоий хулқи муайян хатти-ҳаракат усулига нисбатан тайёргарлиги ва психологик ҳолатига боғлиқдир. Масалага ушбу ёндашувимиз негизида ётувчи бош ғоя шундан иборатки, шахс мураккаб ҳар хил маслакка оид тузилмалар тизимидан иборат бўлиб, улар одамнинг хулқи, фаолияти ва муомаласини бошқариб туради. Маслакни вужудга келтирувчи таркиблар поғонама-поғона (иерархик тарзда) шаклланиб боради ва бу тизимни жуда қуйи ҳамда ўта юқори даражалар билан белгилаш мумкин.

Диссертациянинг учинчи боби **«Баҳоуддин Нақшбанднинг психологик қарашлари таҳлили ва талқини»** деб номланиб, у тўрт қисмдан иборат. Ушбу бобда Баҳоуддин Нақшбанднинг психологик қарашлари таҳлил қилин-

ган. Биринчи қисми «Баҳоуддин Нақшбанднинг руҳий камолотга нисбатан қарашлари» деб номланади. Ушбу бобда Баҳоуддин Нақшбанд ўзининг юксак ақл–заковати, интуитив тафаккури, ижодий (креатив) изланувчанлиги туфайли нақшбандия деган тасаввуфий таълимот ва тариқатни яратди. Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг ушбу номдаги тариқати комил инсонни шакллантиришнинг қисқа муддатли, оқилона, иерархик хусусиятга эга бўлган мукаммал йўли ҳисобланиб, ижтимоий-тарихий таракқиётдаги сўнгги барқарор, пухта тариқатлардан биридир.

Тасаввуф таълимотида инсон руҳий камолотининг шариат ва тариқатдан кейинги учинчи босқичи маърифат деб номланади. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд руҳий камолотнинг учинчи босқичи маърифатни кенг маънода тушунади ва талқин қилади. Баҳоуддин Нақшбанд ижмолий маърифат босқичда далилу ҳужжат воситаси билан, яъни ақлу тафаккур (билиш жараёнлари: сезги, идрок, тасаввур, хотира, тафаккур, ижодий ҳаёл маҳсуллари) ила амал қилиш мумкинлигини айтади.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд “Тавҳидга етиш осон, лекин маърифатли бўлиш мураккаб жараён (чунки бир неча босқичлардан кейингина мукаммалликка эришиш фараз, тахмин қилинади), шунинг учун унга пиру муршид раҳбарлиги (устоз-шогирд мунособати) орқали етишиш мумкин”, дейди. Маълумки, тасаввуф таълимотида тавҳид – Аллоҳнинг ягоналигини идрок этиш (тушуниш, англаш) деган маънони билдиради.

Баҳоуддин Нақшбанд “Ҳаққа етиш талабида бўлган солиқларнинг асл мақсади тафсилий маърифатдир”, яъни Ҳақнинг талабида бўлган инсон – бутун Кулга тўла сингиб кетиши сайру сулукнинг охириги мақсадидир, деб таъкидлайди. Нақшбанд Ҳаққа етиш йўлининг ўзни танишдан (билишдан, назорат қилишдан, баҳолашдан) бошланиши бу йўлда асосий тўсиқ кишининг ўзи эканлигини уқтиради. Инсон маърифатли (ўқимишли билимдон) бўлиш, ўзини англаш (“Мен”лигини, яъни ўтмишдаги “Мен” , ҳозирги “Мен”, бўлғуси “Мен”, реал “Мен”, динамик “Мен” босқичларини англаш назарда тутилади), ўрганиш (ўзини назорат қилиш, баҳолаш, ўзини намоён этиш, рўёбга чиқариш, ўзидаги ички имкониятларни кашф қилиш ва ҳоказо) учун, аввало, ўзини-ўзи бошқара олиши (хулқ-атвор, ақлий ва жисмоний ҳаракат, ахлоқий-маънавий муомала мароми, ижтимоий қадриятлар нуқтаи назардан ёндашув кўзда тутилади), барча қувватларини (биологик, психологик, ирода кучи, диққат кучи ва барқарорлиги, ихтиёрий, англанилган хатти-ҳаракатлар) илоҳий йўлга (эътиқод, иймон, идеал, юксак ҳисларга асосланган ҳолда) сарфлаши, бутун вужудини (ҳам биологик аъзоларини, ҳам психологик ҳолатларни, жараёнларни, ҳиссий кечинмаларни, инсоний сифатларни, фазилатларни) идора этиб (экстремал, казусли, казуал вазиятлардан қатъи назар), уни руҳий камолот учун сафарбар этиши (йўналтириши, қаратиши) керак. Бу борада муайян муваффақиятларга эришиш учун Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд инсон покланиши жоиз эканлигини уқтиради. Хожа Баҳоуддин ўз фикр-мулоҳазасида қўллаган

“ботиний” тушунчаси ички (ташқи эмас) имкониятлар намоён бўлиши, кечиши, ривожланиши атамаларини мужассамлаштирган тўпланма дефинициядир. Бизнингча, покланиш тушунчаси кенг маънони англатади ҳамда инсон ўз ҳаёти ва фаолиятида йўл қўйган хатолар, камчиликлар иллатлар, гуноҳлар, ижобий ҳамда салбий сифатлар, ортиқча хатти-ҳаракатлар, қусурли одатлар кабилардан қутулиш, фориг бўлиш, уларни бартараф этиш тўғрисида Баҳоуддин Нақшбанд мулоҳаза юритган бўлса, ажаб эмас.

Учинчи бобнинг иккинчи қисми **«Баҳоуддин Нақшбанд борлиққа оид қарашларининг психологик таҳлили»** деб номланган. Нақшбандия тасаввуфий таълимотида борлиққа алоқадор, боғлиқ назарий масалаларни таҳлил қилиш, муаммолар ечимини топишда тавҳид, валоят, инсони комил, маърифат, ваҳдати вужуд каби тушунчалар моҳиятини очиш, ўзгариши, ривожланиши, босқичлари, хусусиятлари, механизмлари ҳақида мулоҳазалар юртилади. Мазкур тушунчаларнинг барчаси ваҳдати вужуд сўз бирикмаси ёки мураккаб (тўпланма) тушунчаси билан боғлиқлиги учун тадқиқотнинг асосий мақсадини унинг моҳиятини чуқурроқ очишга ва нақшбандия таълимоти учун қандай аҳамият касб этишига йўналтирдик, таҳлилни эса психологик нуқтаи назардан амалга оширишни режалаштирдик.

Ушбу бобнинг учинчи қисми **«Баҳоуддин Нақшбанд таълимотида инсон камолоти даражаларининг психологик тавсифи»** деб номланди. Унда Нақшбандия тасаввуфий таълимотининг энг муҳим масалаларига эътибор қаратилган. Инсонга нисбатан бундай маънодаги қараш тасаввуфнинг “Комил инсон” таълимотига асл моҳияти билан мос тушади. Тасаввуфий адабиётларда берилишича Инсони Комил деганда Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбаримизни назарда тутадилар, чунки уларнинг ҳар томонлама етук эканлиги, барча муаммолар ечимини топгувчи зотлиги, ислом динининг илҳомчиси ва ҳимоячиси сифатида бетакрорлиги инобатга олинган бўлса ажаб эмас.

Тасаввуфда инсон табиат тараққиётининг олий даражасигина бўлиб қолмай, айни пайтда у “ал-Ҳақ - Тангри нусхаси” ҳамдир. Демак, инсони комил инсонларнинг энг мукаммали ҳисобланиб, у шарият, тариқат тўғрисидаги илмларни ўзлаштириш орқали юксалиб, камол топиб, ҳақиқатни англаган шахсдир. Насафийнинг таърифича, “Комил инсон бўлиш учун кишида тўрт сифат камолга етган бўлиши лозим: эзгу сўз, эзгу феъл, эзгу ахлоқ ва маориф”.

Оламнинг яратилишидан мақсад инсон, инсондан мақсад эса комил инсондир. Тасаввуф аҳли фикрича, инсон шаклан кичик олам бўлса-да, лекин мазмунан буюк оламдир. Оламда ҳар нарсанинг бир нусхаси инсонда мавжуд. Хожа Нақшбанд инсонни Тангри яратганини ва у бутун борлиқдаги энг мукамал мавжудот эканлигини тан олади.

Нақшбандия таълимотида тажаллий кенгрок маъно касб этади. Бу таълимот инсоннинг маънавий камолоти қалбдан бошланишини таъкидласа-

да, лекин кейинчалик у руҳ, сир, ҳафий ва ахфога томон юксалишини кўрсатади. Шу боисдан ҳам тажаллиётни нақшбандия таълимотига мувофиқлаган ҳолда, кенгрок маънони мужассамлаштириб таърифлаш мақсадга мувофиқ.

Учинчи бобнинг тўртинчи қисми **«Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг ҳозирги давр учун аҳамияти»** деб номланган бўлиб, унда олдинги қисмларда Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти, унга нисбатан замондошлари ва буюк алломаларнинг муносабатлари, баҳолари юзасидан муайян фикр-мулоҳазалар билдирилган. Энг муҳими, Нақшбанд таълимотининг жабҳалари, таркибий қисмлари, моҳияти, табиатга, жамиятга, комил шахсга бўлган қарашлари психологик нуқтаи назардан таҳлил қилинган, талқин этилган, аниқ мезонлар ёрдами билан баҳоланган эди. Буларнинг барчаси Ҳазратга нисбатан кенг кўламдаги умумиятнинг муносабати, ижтимоий-тарихий тараққиётда тутган ўрни тўғрисидаги оддий фуқародан тортиб, то буюк аждодларимизнинг у зотга берилган адекват баҳосининг мужассамлашуви, холисона гавдаланувининг ёрқин ифодасидир.

Ҳозирги (XII асрда) даврда тарихга ва тарихий сиймоларга, умумбашарий ва миллий маданиятга дунёвий ва диний таълимотларнинг субъектларига тенг ҳуқуқли ёндашув мамлакатимизда мустаҳкам қарор топаётганлиги инкилобий-прогрессив, гуманистик қарашлар, амалий татбиқий фаразларнинг рўёбга чиқаётганлиги жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган мустақилликнинг буюк неъматидар. Бунга мисол сифатида Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳи комплексининг тикланиши, таъмирланиши унга замонавий таркиблар киритганлиги, юксак савиядаги сервиснинг ташкил этилганлигини таъкидлаб ўтишнинг ўзи етарлидир.

Зиёратгоҳга бир неча марта мақсадли ташриф буюришимиз, ижтимоий-психологик воқеликка мутахассис сифатида ёндашишимиз, кузатувчи тарзида иштирок этишимиз айрим миқдорий натижалар тўплашга имконият яратди. Шу боис, Баҳоуддин Балогардон таълимотининг ёшларимизга таъсир этиш даражасини аниқлаш учун шахсий саволномани ишлаб чиқдик. Чунки диний қадриятлар умуминсоний қадриятлар билан уйғунлашиб кетганлиги боис ХХI асрнинг одамлари учун хоҳ ёш, хоҳ қари бўлишидан қатъи назар, мазкур таълимот алоҳида таълимий-тарбиявий аҳамият касб этиб, уларнинг дунёқараши, эътиқоди, маслаги, қадриятга йўналганлиги, камолотга (баркамолликка) интилувчанлигининг интенсивлашувига муҳим негиз ҳозирлайди.

20та текширилувчининг ҳар бир саволга берган жавоби (1-2-3) ҳисобида, яъни айримлари 1 баллга, 2 баллга, 3 баллга жавоб берган, шунинг учун умумий балл, масалан, 1-савол бўйича 1 курс талабаларида 43ни ташкил қилган.

Агар умумий баллни текширилувчи сонига яъни 20га бўлсак, ўртача арифметик қиймат ($43:20=2,15$), ўртача арифметик қийматлар 1 ва 2 жадвалда тўлиқ келтирилган. Ҳамма олинган натижаларни шу метод асосида белгиладик.

Сирдарё вилояти респондентлари $n=20$.

№	Саволлар	Жавоблар балл ҳисобида			
		Талаба		Ўқувчи	Академик лицей ўқувчиси
		I к	III к		
		$M_1 \pm m_1$	$M_2 \pm m_2$	$M_3 \pm m_3$	$M_4 \pm m_4$
1.	Сиз қадимги замонда дунёвий ва диний илмлар билан шуғулланган буюк алломаларимиздан кимларни биласиз ва улар тўғрисида нималар дея оласиз?	43±2,15	46±2,30	33±1,65	38±1,90
2.	Диний таълимотлари билан жаҳонда катта обрў эътибор қозонган ҳамюртларимизни танийсизми?	41±2,05	47±2,35	32±1,60	36±1,80
3.	Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида қандай маълумотларга эгасиз?	41±2,05	45±2,25	31±1,55	33±1,65
4.	Баҳоуддин Нақшбанд қандай таълимотнинг асосчиси?	43±2,15	46±2,30	39±1,95	41±2,05
5.	Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг бош ғояси нима?	41±2,05	44±2,20	38±1,90	39±1,95
6.	Нақшбандия таълимотида комил инсон қандай тасвирланган?	45±2,25	50±2,50	40±2,0	43±2,15
7.	Баҳоуддин Балогордон асарида Аллоҳнинг улуғла-нишини эслай оласизми?	40±2,00	43±2,15	36±1,80	37±1,85
8.	Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳи қайси шаҳарда жойлашган?	43±2,15	45±2,25	38±1,90	40±2,00
9.	Зиёратгоҳга келишингизнинг асосий сабаби нимада?	46±2,30	48±2,40	41±2,05	44±2,20
10.	Баҳоуддин Нақшбанд қарашларининг бугунги кун ёшларига таъсири борми?	48±2,40	50±2,50	43±2,15	45±2,25

Ҳар бир гуруҳ тўплаган балларининг ўртача арифметик қиймати куйидаги кўринишга эга: 1) III босқич талабаси – **46±2.30**; 2) I босқич талабаси – **43±2,15**; 3) академик лицей ўқувчиси- **38±1,90**; 4) ўрта мактаб ўқувчиси – **33±1,65**.

Баҳоуддин Нақшбанд Балогардон тўғрисидаги маълумотлар кўламини кенгайтириш учун зиёратгоҳга келган одамлар билан саволнома сўроқларига жавоб олишга ҳаракат қилдик. Юқорида айтилганидек, респондентларга са-

воллар оғзаки берилди ҳамда яқунловчи қисқа суҳбат ҳам ўтказилди. Эмпирик изланишнинг бу кўриниши билвосита деб аталади ва бутун масъулият тадқиқотчи зиммасига тушади. Шартли равишда иштирокчилар уч гуруҳга ажратилди. Улар томонидан олинган маълумотлар қуйидаги жадвалга жойлаштирилди. Шартли гуруҳларнинг аъзолари 20 нафардан қилиб уюштирилди. Тадқиқот объектлари билан тажрибавий ишлар турли вазиятларда олиб борилди, ҳатто, такрорий учрашувлар ҳам ташкиллаштирилди.

2- жадвал

Зиёратгоҳ респондентларининг саволларга берган жавобларининг умумий натижалари

№	Саволлар	Жавоблар балл ҳисобида		
		Катталар (39-60)	Ёшлар (25-30)	Ўқувчилар
		$M_1 \pm m_1$	$M_2 \pm m_2$	$M_3 \pm m_3$
1.	Сиз қадимги замонда дунёвий ва диний илмлар билан шуғулланган буюк алломаларимиздан кимларни биласиз ва улар тўғрисида нималар дея оласиз?	40±2,00	37±1,85	35±1,75
2.	Диний таълимотлари билан жаҳонда катта обрў-эътибор қозонган ҳамюртларимизни танийсизми?	38±1,90	35±1,75	33±1,65
3.	Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида қандай маълумотларга эгасиз?	40±2,00	36±1,80	34±1,70
4.	Баҳоуддин Нақшбанд қандай таълимотнинг асосчиси?	41±2,05	37±1,85	35±1,75
5.	Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг бош ғояси нима?	39±1,95	36±1,80	35±1,75
6.	Нақшбандия таълимотида комил инсон қандай тасвирланган?	41±2,05	39±1,95	35±1,75
7.	Баҳоуддин Балогордон асарида Аллоҳнинг улуғланишини эслай оласизми?	39±1,95	36±1,80	35±1,75
8.	Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳи қайси шаҳарда жойлашган?	43±2,15	39±1,95	37±1,85
9.	Зиёратгоҳга келишингизнинг асосий сабаби нимада?	41±2,05	39±1,95	38±1,90
10.	Баҳоуддин Нақшбанд қарашларининг бугунги кун ёшларига таъсири борми?	40±2,00	39±1,95	37±1,85

Жадвалда микдорларнинг ифодаланишича, кўрсаткичлар бўйича гуруҳлараро тафовут мавжудлиги кўриниб турибди. Уларнинг ўртасидаги фарқлар гоҳо статистик ишончлилиқ даражасига эга. Маълумотладан барча ёш тоифасидаги респондентлар Баҳоуддин Нақшбанд тўғрисида муайян тасаввурга эга. Бу маълумотларнинг ҳар қайсиси мазкур таълимотнинг мамлакатимиз фуқаролари учун муҳим аҳамият касб этиб, миллий ва диний қадриятларимизни шакллантиради ва миллий ўзлигини англаш жараёнини жадаллаштиришга хизмат қилади. Респондентлар билан олиб борилган эмпирик изланишлар тадқиқот мақсадининг рўёбга чиққанлигини тасдиқлайди. Буларнинг барчаси Баҳоуддин Балогардон таълимотининг ёшлар камолотига, маънавиятига, қадриятига, миллий ўзлигини англашга, ақлий ривожланишига, жисмоний баркамоллигига, фаҳм-фаросатига ижобий таъсир этади. Руҳий ҳолатларини барқарорлаштиришга, ўзига нисбатан ишонч туйғусининг шаклланишига, мустақил фикрлашига ҳамда муомала маромини, шахслараро муносабатлар такомиллашувини, фаолият услубини, дунёқараш ва эътиқод таркиб топишини таъминлашга ёрдам беради. Мазкур таълимот шахсга кучли таъсир этиб, фаолиятининг самарасини оширади, муомала жараёни ва бошқарув қобилятининг эволюциясини вужудга келтиради, шахс хулқ-атворини мақсадга мувофиқ амалга оширишнинг назорат механизмига айлантиради.

ХУЛОСАЛАР

Умумий психология тарихига оид олиб борилган кўп йиллик изланишлар натижаси бўйича қуйидаги хулосаларни чиқаришга муваффақ бўлдик:

1. Назарий таҳлиллар, мулоҳазаларга қараганда, тасаввуф индивидуал ва умумий (ижтимоий) тажрибалар орқали оламни ҳис қилиш, ҳаёт ҳамда фаолият туфайли инсон томонидан борлиқни англаниладиган ҳол илмидан иборат бўлиб, мутасаввуфлар дин илмини зоҳирий илм (“қол” илми) ва ботиний илм (“ҳол” илми) деб, икки туркумга ажратадилар. Мутасаввуфлар буни “ирфон” деб атайдилар ва унга эришган кишиларни (сўфийлар) “орифийлар” деб номлайдилар. Тасаввуф таълимоти (тариқати) бир яхлит илм бўлганлиги сабабли муршид (пири комил) деб аталадиган устоз ҳузурида ва унинг бевосита раҳбарлигида шогирдлар таълим-тарбия оладилар.

2. Тасаввуф илмининг қандай йўналишга тааллуқлилигидан қатъи назар, маърифатуллоҳ деб аташ қатъий белгиланган. Тасаввуф илмини ўргатувчи муршид (шайх, пир) мақомига эришган шахснинг ижтимоий келиб чиқиши билан ҳазрати Пайғамбаримиз (с.а.в.) шажарасига уланиши ижтимоий зарурат ҳисобланган. Шахс пири устози кўрсатмасини бажармасдан, муайян кўникмаларни эгалламасдан туриб, шахс ҳам, сўфий ҳам бўла олмаслиги қатъий таъкидланган. Шу боис, тасаввуф сезиш, идрок қилиш, хотирлаш, мулоҳаза юритиш, муаммога муносабат билдириш

амалини қиладиган шаҳодат ва носут олаmidан ташқари, ғайб олаmidан баҳс юритувчи ўзига хос хусусиятли таълимотдир.

3. Тарикат таркибига Аллоҳга етказадиган йўллари киради, иерархик тарздаги босқичларни босиб ўтиш, қийинчиликларни енгиш орқали ёшлар юксак олимлик даражасига эришадилар. Тарикат амалий услуб ҳисобланиб, у талабани ақл-идрок, тафаккур, ҳиссиёт ва кўникмаларини мукаммаллаштиришга йўналтиради, уни муайян мақомлардан ўтказиб, психологик хусусиятлар, тажрибалар орқали илоҳий ҳақиқатга етказди.

4. Тасаввуф таълимотига тааллуқли илмий манбалар таҳлилининг кўрсатишича, Баҳоуддин Нақшбанд сўфизм таълимотини мукаммал эгаллаган, такомиллаштирган, янги қоидалар кашф этган. Нақшбандия йўналишининг асосчиси, катта муршидлар гуруҳининг сардори, ҳам назарий, ҳам амалий билимлар йўлбошчиси, комил инсон мақомларига эришган юксак салоҳият соҳиби, каромат ва башорат эгаси, зоҳирий ҳамда ботиний илмлар етакчиси, буюк шайхдир. Баҳоуддин Нақшбанд нақшбандия таълимоти ва тариқатини яратган, такомиллаштирган, янги қоидалар кашф этган, уларни мусулмон оламига ёйишга муваффақ бўлган комил инсондир. Тасаввуф таълимотининг бир қатор намояндалари таъкидлашларича, нақшбандия тариқати комил инсонни вояга етказишнинг энг қисқа, оқилона, омилкор, мукаммал йўли эканлиги тан олинганлиги боис тасаввуфнинг охирги мумтоз тариқатларидандир.

5. Бизнингча, Ҳазратнинг мураккаб, ибратли, сермахсул ҳаёт йўли, букилмас иродага эгалиги, маърифатпарварлиги, юксак маънавияти, бебаҳо мероси ХХI асрда яшаётган баркамол авлоднинг муайян мақомат, маром бўйича камол топиши, ҳақиқий жонкуяр, фидоий шахс сифатида шаклланиши учун Нақшбанднинг таълимоти, тариқати, камолотга поғонама-поғона эришиш башорати, намунавий “устоз-шогирд” муносабатлари, мулоқотмандлиги қудратли манба сифатида ижтимоий турмушимизнинг тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиш имкониятига эга.

6. Нақшбандия тасаввуф таълимоти таҳлил қилинганда психологик нуқтаи назардан қуйидагилар кўзга яққол ташланади: а) инсон жисм ва руҳдан, яъни икки таркибдан тузилганлиги; б) Баҳоуддин талқинича, одам руҳнинг камолоти туфайли инсоннинг комиллик даражасига иерархик тарзда ўсиб ўтиши; в) юксак кўрсаткичга ета олиш жараёнининг узвийлик ҳамда узлуксизлик принципларига асосланиши; г) мазкур жараёнларнинг кечиши изохланганлиги тўғрисидаги мулоҳазаларда мукамаллик, сабабий боғлиқлик мавжуд эканлиги психология учун методологик-услубий аҳамият касб этади.

7. Мазкур таълимотнинг психологик таҳлиliga қараганда, инсоннинг руҳий тузилиши ўн латоифдан таркиб топганлиги тўғрисидаги нақшбандия таълимоти, тариқати шахснинг кўпёқлама, мукаммал, атрофлича ўрганилишига ҳам объектив, ҳам субъектив шарт-шароитларни вужудга келтиради. Таълимот тузилишини (босқичма-босқичлигини) ҳозирги давр

психология таълимотиға модификация қилиш, миллий, этнопсихологик муҳитға мувофиқлаштириш унинг татбиқийлигини кучайтиради. Бизнингча, Ҳазратнинг тажаллий назарияси инсон камолотининг даражалари бўйича янги қирраларини кашф қилишга, зоҳирий ва ботиний жиҳатдан рўёбга чиқариш механизмларини очишга хизмат қилади. Нақшбанднинг тажаллий назариясидаги фано ва бақо тушунчалари моҳиятини психологик таҳлил қилиш натижасида тасаввуфнинг янги йўналиши бўйича Баҳоуддиннинг психологик қарашини назарий ва амалий жиҳатдан фойдаланишга кенг имконият яратади.

8. Баҳоуддин Нақшбанд таълимотининг “Валийлик” атамаси шахс шаклланишининг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади ҳамда тасаввуфнинг ушбу тушунчаси моҳиятини ўрганишга объектив ва субъектив шарт-шароит вужудга келтиради. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, Ҳазрат ўзининг қарашларида нафси бошқариш руҳ камолотининг асоси эканлигини психологик нуқтаи назардан изоҳлашга муваффақ бўлганлиги учун унинг аҳамияти то ҳозирги давргача ибратлидир.

9. Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти психологик таҳлилининг кўрсатишича, инсон камолоти (комилликка интилиш) қалб оламининг тажалиёти фано даражасига етгандан кейинроқ бошланиб, то бақо ҳолати, тамкин, бесифат, бенишонлик томон юксалиш имкониятини юзага келтиради. Бу эса, ўз навбатида, бир даражадан иккинчи даражага изчил ўсиб ўтишнинг механизмларини рўёбга чиқаришга хизмат қилади. Худди шу боис, ушбу жараённинг самарадорлигини янада орттириш учун замонавий психологик методикаларни таълим тизимиға татбиқ қилиш унинг муваффақиятини таъминлайди.

10. Ҳозирги замон одамларининг Баҳоуддин Нақшбанд таълимотиға нисбатан муносабатларини аниқлашга қаратилган саволномани амалиётда синаб кўриш натижалари шунини кўрсатадики: а) ўрта мактаб ўқувчилари, академик лицей субъектлари, талабалар ва вояга етган кишиларнинг барчаси муайян даражада тасаввурға эгадирлар; б) нақшбандия таълимотининг баркамол авлод шахсининг шаклланишиға кучли даражада ижобий таъсир этиши унинг ижтимоий-тарбиявий аҳамияти муҳим эканлигини аниқлади. Шунинг учун таҳлил қилинаётган таълимот психология фанининг ривожланишиға у ёки бу даражада ўзининг ижобий таъсирини ўтказади.

ЧОП ЭТИЛГАН ИЛМИЙ ИШЛАР РЎЙХАТИ:

1. Холназарова М.Х. Шахс баркамоллик даражасини аниқлашнинг психологик мезонлари. /Методик қўлланма. ГулДУ.: 2005.-Б. 28.
2. Холназарова М.Х. Нақшбандия таълимотида комил инсон талқини. //ГулДУ профессор-ўқитувчилари ва талабаларининг анъанавий анжумани материаллари тўплами. –Гулистон, 2005.-Б. 37.
3. Э.Ғ.Ғозиев., Холназарова М.Х. Психология тарихи саҳифаларидан. /Ўқув қўлланма Т.:Фан, 2006.-Б. 78.
4. Холназарова М.Х. Шарқда комил инсон тарбияси. //Мактаб ва ҳаёт Тошкент, 2008.- № 7-8 Б. 2-4.
5. Холназарова М.Х. Баркамол авлодни тарбиялашда сўфизм таълимотининг ўрни. //ГулДУ. Бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнида замонавий, касбий таълим муаммолари. Республика илмий анжумани. 2008.- Б. 57.
6. Холназарова М.Х. Комил инсонни тарбиялашда илмий психологик ёндашувлар. //Захриддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университети. Назарий ва амалий психологиянинг илмий масалалари, уларнинг таълим-тарбия жараёнидаги ўрни. Республика илмий анжумани. 2009.-23-24 апрель.- Б. 123-124.
7. Холназарова М.Х. Роль религиозных учений Баховутдин Накшбанди в внедрении инновационных технологий в воспитании совершенной личности. //Наука, образование, производство в решении экологических проблем. Научный сборник.-УФА.2008. С. 347-350.
8. Холназарова М.Х. Психология фанидан ўқув-услугий қўлланма. ГулДУ. 2008.-Б. 132.
9. М.Х.Холназарова. Комил инсон тарбияси: муаммо ва мулоҳаза. Мактаб ва ҳаёт - Тошкент, 2009. № 6 Б. 26-28.
10. Холназарова М.Х. Баҳоуддин Балогардон таълимоти (рисола). – ГулДУ.: 2010. - Б. 24.
11. Холназарова М.Х. Нақшбандия таълимотида ахлоқ тарбияси //Узлуксиз таълим-Тошкент, 2010 № 1 Б. 57-60

Психология фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Холназарова Матлюба Холбўтаевнанинг 19.00.01-Умумий психология, шахс психологияси ва психология тарихи ихтисослиги бўйича «Нақшбандия тариқатида психологик қарашлар» мавзусидаги диссертациясининг

Р Е З Ю М Е С И

Таянч сўзлар: Шайх, латоиф, тажалли, тасаввуф, яссавия, кубровия, нақшбандия таълимоти, рашхалар, зикри хафий, пири муршид, комил инсон.

Тадқиқот объектлари: Баҳоуддин Нақшбанд шахсияти ва унинг ижоди ҳамда турли гуруҳларга тегишли тажрибаларда иштирок этган инсонлар.

Ишнинг мақсади: хожа Баҳоуддин Нақшбанд нақшбандия тариқати ва тасаввуф таълимотига асосланган ҳолда унинг моҳиятини замондошларда синаб кўриш ва комил инсон фазилатларини шакллантиришдан иборатдир.

Тадқиқот методлари: кузатиш, индивидуал суҳбат, анкета, қиёсий баҳолаш, нақшбандия таълимотининг аҳамиятини респондентларда аниқлаш учун сўровнома ишлаб чиқиш, етукликка интилувчи шахснинг умумпсихологик қиёфасини аниқловчи тестларни амалиётга татбиқ этиш, контент таҳлил методидан фойдаланиш ҳамда шахслараро муносабатларнинг қиёсий тавсифини амалга ошириш.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: шахснинг ички имкониятларини рўёбга чиқариш воситалари, феноменал умумпсихологик ҳодисалар моҳияти, уларни рўёбга чиқаришнинг объектив ва субъектив умумпсихологик омиллари, ўзига хослиги тавсифланган, инсонга таъсир этувчи механизмлари ва ҳаракатлантирувчи куч юзасидан талқинлар ғояси очиб берилган. Нақшбандия таълимотини ҳозирги замонда ёшларни камол топтиришда қўллаш имкониятининг мавжудлиги ва татбиқий йўл-йўриқлари тушунтирилган, комил инсонга тааллуқли мумтоз назарияларнинг ҳозирги замон психологик талқинлар билан қиёсланган.

Амалий аҳамияти: тадқиқот натижасида олинган амалий натижалардан олий ва ўрта махсус таълим муассасалари фаолиятида таълим-тарбия, ташхислаш, психологик тузатиш ишларини ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқотда олинган натижалар умумий психология, шахс психологияси ва психология тарихи соҳасини назарий жиҳатдан бойитган ҳолда, олий таълим муассасаларида умумий психология фанини ўқитиш, тегишли дастурлар ишлаб чиқиш ва қўлланмалар яратишга имкон беради.

Қўлланиш соҳаси: умумий психология, шахс психологияси ва психология тарихи, педагогик психология, экспериментал психология, психодиагностика, ижтимоий психология.

Р Е З Ю М Е

диссертации Холназаровой Матлюбы Холбутаевны на тему: «Психологические взгляды в учении Накшбандия» на соискание ученой степени кандидата психологических наук по специальности 19.00.01 – Общая психология, психология личности и история психологии.

Ключевые слова: шейх, латоиф, тажалли, тасаввуф, яссавия, кубравия, учение Накшбандия, рашха, зикри хафи, пири муршид, совершенная личность, суфизм.

Объекты исследования: личность Бахауддина Накшбанди, группа людей относящиеся к религиозному течению суфизма.

Цель работы: экспериментировать и формировать концепции на современниках, основываясь на учения суфизма и трактатов ходжа Бахауддина Накшбанди.

Методы исследования: наблюдение, индивидуальная беседа, анкетирования, сравнительная оценка. Внедрение в практику тестов, определяющих общепсихологические стороны личности, стремящейся к совершенству. Вычисление и составление таблиц при помощи математико-статистических методов, эмпирических материалов. Использование методов анализа результатов умственной и физической деятельности человека. Сравнительное определение межличностных отношений.

Полученные результаты и их новизна: обобщены теоретические гипотезы, показатели совершенной личности строения структуры личности, выявлены значения объективных и субъективных общепсихологических факторов определены и анализированы творчество, деятельность, правила, концепции, суть учений, воззрения Бахауддина Накшбанди, влияющие на развитие молодёжи.

Практическая значимость: Определены практические стороны новой концепции, использование материалов в проведении лекций, практических занятий в вузах, возможность использования при составлении программ, ознакомление практических психологов с древнейшими методиками изучения совершенной личности и т.д.

Степень внедрения и экономическая эффективность: Обоснованность передовыми идеями, научными мыслями научно-теоретических источников, относящихся к исследованию, использование методов, соответствующих целям и задачам исследования, утверждение результатов экспериментального опыта практикующего, научно-практическую доказанность и математико-статистический анализ продвинутой гипотезы.

Область применения: общая психология, психология личности и история психологии, педагогическая психология, экспериментальная психология, психодиагностика, социальная психология.

RESUME

Thesis of Kholnazarova Matlyba Kholbutaevna on the scientific degree competition of the candidate of psychological sciences on specialty 19.00.01 – General psychology, individual psychology and history of psychology on the subject: **“Psychological Views in Naqshbandia’s Teachings”**

Key words: sheikh, latoif, tajalli, tasavvuf, yassaviya, kubraviya, Nakshbandiya’s teachings, rashkha, ziki hafi, piri-murshid, perfect personality, sophism.

Object of the research: personality of Bakhouddin Nakshband, group of people involved in religious current of sophism.

Purpose of work: to experiment and form the conceptions on modern peoples, basing on teachings of sophism and tracts of Bakhouddin Nakshband.

Methods of research: in order to achieve the tasks set before the research the following methods of inquiry were used: interview, observation, expertise evaluation of respondents involved in developing perfect personality, implementation of tests verifying psychological sides of personality, mathematical-statistical analysis, using the methods of outcome analysis of mental and physical activity and comparative verification of interpersonal relations.

The results obtained novelty: theoretical hypotheses of identifiers of perfect personality were generalized. For the first time, basing on the principles of monism and historicism and general psychology, activities, rules, concepts, essence of Bakhouddin Nakshbandi’s teachings were identified and analyzed in Uzbek language.

Theoretical value of the work: the results and outcomes of the research shall help to enrich such categories as history of general psychology, personality, national psychology, interpersonal relations, social motif, values, and self-confirmation with original materials. They will also help to reveal their essence, general psychological and social-psychological factors, moving forces, and phenomenon to provide their peculiarity, generality, and interconnections, to reveal their basis and scientific origins, reconstruction of teaching and tarikats of our great ancestors, and conceptions of general psychological outlook of harmoniously developed human as a methodology in this sphere.

Practical value: for the first time in psychology the teachings of Bakhouddin Nakshband were described scientifically, the ways of implementing khodja Bakhouddin Nakshband’s tracts were revealed in the work, his scientific minds were concretized, the proposed materials according to the work may be used in giving lectures, practical sessions, in making working programs.

Degree of embed and economic efficiency: the results of the given work are reported in 3 methodological-workouts, 7 scientific articles and theses.

Field of application: pedagogical and general psychology, experimental psychology, psychological diagnostics, individual psychology, history of psychology, and social psychology.